

Ғазабни ютишнинг фазли



15:00 / 05.07.2021 6546

Ғазабни ютиш фазилатли ишлардан ҳисобланади. Бунга ҳар қандай одам ҳам қодир бўла олмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда ғазабни ютувчиларни мадҳ қилиб:

نَعْنَعَنِي فَاغْلَاوَطِيغْلَانِي مَطَاكُلَاوَأَرْضَلَاوَأَرْسَلَايَفَنُوقَفُنِي نِي دَلَا
نِي نَسْخُ مَلَا بَحِي هَلَلَاوَسَانَلَا

«Улар енгилликда ҳам, қийинчиликда ҳам нафақа қиладиганлар, аччиғини ютадиганлар ва одамларни афв қиладиганлардир. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир», дея марҳамат қилган (Оли Имрон сураси, 134-оят).

Ғазабни ютиш энг қийин ишлардан ҳисобланади. Ғазаб инсонда турли муносабатлар ила қўзғалиб туради, уни жиловлаб олиш ҳар бир кишининг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин тақводор киши бу оғир ишни эплаши

мумкин. Яъни қалбида тақводорлик мавжуд бўлган инсонгина ғазабдан ғолиб чиқа олади.

«Руҳий тарбия» китобидан